

5-27-2019

ON THE SCIENTIFIC-CRITICAL TEXT OF "KAZAZYINU-L-MAONIY"

Namozova Zilola
z.namozova@mail.ru

Follow this and additional works at: https://uzjournals.edu.uz/or_stud

 Part of the [Classical Literature and Philology Commons](#)

Recommended Citation

Zilola, Namozova (2019) "ON THE SCIENTIFIC-CRITICAL TEXT OF "KAZAZYINU-L-MAONIY"," *Oriental studies*: Vol. 1 : Iss. 2 , Article 9.
Available at: https://uzjournals.edu.uz/or_stud/vol1/iss2/9

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Oriental studies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.



“ХАЗОЙИНУ-Л-МАЪОНИЙ”НИНГ ИЛМИЙ-ТАНҚИДИЙ МАТНИ ҲАҚИДА

НАМОЗОВА ЗИЛОЛА

Таянч докторант, ҚарДУ

Аннотация. Алишер Навоий лирик меросини ўрганиши ҳар бир даврда муҳим масала ҳисобланган. Бироқ текстологик ўрганиши ўтган асрда кенг тус олди. Айниқса, “Хазойину-л-маоний” девонларини текстологик тадқиқ этиши XX аср 50-йилларида Ҳамид Сулаймон томонидан бошланган эди. Олим “Хазойину-л-маъоний” девонлари устида йирик тадқиқот олиб бориб, илмий аппаратлар билан таъминланган илк тўлиқ наишрини амалга оширди.

Тадқиқотнинг кириш қисмида ана шу наишрининг адабиётшунослигимизда тутган ўрни, унинг ўз давридаёқ катта эътирофларга ва эътирозларга сабаб бўлиши омиллари аниқлаш масаласига ойдинлик киритиши лозимлиги кўрсатилган.

Тадқиқотнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаси эса йирик матншунос олимлар томонидан билдирилган илк наишр хусусидаги илмий фикрларни таҳлил қилиши ва ҳозиргача амалга оширилган бошқа наишрлар орасидаги ўрнини белгилашдан иборат. Ушбу наишр А. Ҳайитметов ва Н. Маллаевлар таъкидлаганидек, катта машаққатлар эвазига яратилди. Ҳ. Сулаймон қуллиёт қўлёзмалари орасидан 20 та қўлёзма манбани ажратиш олди ва ўзаро муқоёса қилиб, қуллиёт таркиби, жанрлар таснифи, девонлар редакциялари ва уларнинг композицион қурилиши масалаларини аниқлади. Олим танлаб олинган қўлёзмалар ичидан Ленинградда инв. 55 рақам остида сақланаётган қўлёзmani ушбу наишр учун асос қилиб танлаган. Танқидий матн тайёрлаш ишлари 1962 йилда бошланиб, улардан “Ғаройибу-с-сигар” ва “Наводиру-и-шабоб” девонлари 4 та қўлёзма асосида тузилган. Қолган икки девоннинг танқидий матни эса олимнинг вафоти сабабли яратилмасдан қолган. Тадқиқот мақсадида илк наишрининг танқидий матн вазифасини бажара олмаётгани таъкидланган.

Мазкур тадқиқотдан кўзланган мақсадга тарихийлик, анализ ва синтез, абстрактлаштириши ва конкретлаштириши методлари орқали эришилган.

Тадқиқотнинг муҳокама қисмида Ҳ. Сулаймон томонидан яратилган 4 девондан иборат қуллиётнинг илк тўлиқ наишри қандай тамойиллар асосида яратилгани, унинг навоийшуносликнинг йирик ютуғи эканлиги, кейинги наишрлар тараққиётида тутган ўрни, шу билан бирга, ўз давридаёқ бир қатор танқидий мулоҳазаларга сабаб бўлиши муҳокама қилинган. Шу билан бирга, олимлар томонидан илк наишрга билдирилган фикрлар таҳлил қилинган.

Хулоса қисмида бугунгача яратилган Навоий лирикаси наишрлари шу наишр асосида яратилаётгани, Ҳамид Сулаймон томонидан тузилиши бошланган ва бугунги кунда тугалланмасдан қолган танқидий матн яратиши зарурияти пайдо бўлгани, ушбу масаланинг ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири экани таъкидланган.

Таянч сўз ва иборалар: қуллиёт, танқидий матн, хронологик жадвал, наишрлар такомилли, матний тафавут.

Аннотация. Изучение лирического наследия Алишера Навои всегда было важной проблемой. Однако изучение текстов было широко распространено в прошлом веке. В частности, текстологическое исследование дивана «Сокровищница мыслей» было начато Хамидом Сулейманом в 20 веке. Ученый провел большое количество исследований в отношении «Сокровищницы мыслей», первого полноценного научного инструментария.

Во вводной части исследования было указано, что эта публикация должна быть уточнена при определении факторов, которые привели к большой дискриминации и возражениям в литературе.

Целью исследования является анализ научных результатов первого издания, опубликованного крупными учеными, и выяснение роли публикации между опубликованными публикациями. Эта публикация была создана А. Хайитметовым и Н. Малалаевым. Х. Сулейман отличил 20 рукописей от клинописных рукописей и, для сравнения, выявил проблемы композиции, жанровой классификации,



канцелярских изданий и их сочинений. Рукописи, хранящиеся под номером 55, являются основой для этой публикации. Критические учебники были начаты в 1962 году и основаны на четырех рукописях «Чудеса детства» и «Редкости юности». Два других критических текста были оставлены нетронутыми из-за смерти ученого. Первая публикация для исследования не является критическим текстом.

Целью исследования было достижение исторических, аналитических и обобщающих методов с помощью методов суммирования и бетонирования.

В заключительной части выпуска на основе этой публикации были созданы лиры Навои и было заявлено, что создание критического текста, начатое Хамидом Сулейманом, было создано сегодня, и что эта проблема является одной из наиболее неотложных проблем, стоящих перед решением.

Опорные слова и выражения: сборник, критический текст, хронологическая карта, публикации, текстовые различия.

Abstract. The study of the lyrical heritage of Alisher Navoi has always been an important issue. However, the study of the texts has been widespread in the last century. In particular, the textological study of the "Khazoyinul-Ma'ani" divan was initiated by Hamid Suleiman in the 20th century. The scientist conducted a great deal of research on the "Khazoyinul-Ma'ani", the first complete scientific toolkit.

In the introductory part of the study, it was pointed out that this publication should be clarified in determining the factors that led to great discrimination and objections in the literature.

The aim of the research is to analyze the scientific findings of the first edition published by major scholars, and to clarify the role of the publication between publications. This publication was created by A. Hayitmetov and N. Mallayev, for the sake of great difficulties. H. Sulayman distinguished 20 manuscripts from the cuneiform manuscripts and, by comparison, identified the issues of composition, genre classification, clerical editions and their compositions. The manuscripts stored under the number 55 are the basis for this publication. Critical textbooks began in 1962 and they were based on four manuscripts of "Garayibu-s-sigar" and "Navodiru-sh-shabab". The other two critical texts were left untouched by the death of the scientist. The first publication for the research is not a critical text.

The aim of the research was to achieve the historical, analytical and synthesis methods by means of summarizing and concreting methods.

In the final part of the release, the Navoi Liras are created on the basis of this publication and it has been stated that the creation of a critical text that has been started by Hamid Suleyman has been created today, and that this issue is one of the most urgent issues facing the solution.

Keywords and expressions: treasury, critical text, chronological map, publications, textual differences.

Кириш. Алишер Навоийнинг "Хазойинул-маъоний" куллиётининг композицияси, жанрлари, умумий ҳажмини аниқлаш, автор редакциясига яқин нашрни яратишга қаратилган профессор Ҳ. Сулаймон тадқиқоти натижасида 1959–1960 йилларда куллиётнинг илмий аппаратлар билан таъминланган матни нашр этилди¹.

Адабиётшунослигимизда катта ҳодиса сифатида эътироф қилинган ушбу илмий матнни тузишда табиий ҳолда олим бир қатор муаммоларга дуч келади. Бунинг бир қатор сабаблари бор, албатта. Биринчи сабаби, Навоий даври тилшунослиги беш юз йиллик тараққиёт йўлига эга бўлиб, Ҳ. Су-

лаймон даврида XV–XVI аср тилшунослиги, хусусан, фонетикаси ва лексикаси ўзбек тилшунослигида етарли даражада ўрганилмаганлигидир. Натижада, Навоий асарлари тилига оид бир қатор муаммолар юзага келди. Бунга биргина унлилар миқдорининг Навоий даврида 8 та бўлганлиги, ўзбек ёзувида эса 6 та ҳарф орқали ифода этилганлиги ҳисобга олинса, муаммонинг мураккаблик даражаси ойдинлашади. Масалан, *a* ва *o* ҳарфлари орасидаги унлини ифодалашда олим "o" ҳарфидан фойдаланади: анго, манго, ато каби². Қўлёзма манбалар насталиқ хатида яратилган бўлиб, котиблар томони-

¹ Alisher Navoi. Khazoyinul Maoni. 4 volumes. Tashkent, publ. "Academy of Sciences of Uzbekistan", 1959-1960.

² Alisher Navoi. Khazoyinul Maoni. 4 volumes. Wonders of childhood. I Volume. Tashkent, publ. "Academy of Sciences of Uzbekistan", 1959. 27 p.



дан онгли равишда ҳарфлар усти ва остида қўйилувчи нуқталар ва диакретик белгиларнинг қўлланмаганлиги табдил жараёнида мутахассисларни чалғитиб қўйди. Бу эса ز ث ن ق каби ҳарфлар нуқтасиз ёзилиши оқибатида, нуқта билан фарқланувчи бошқа шу шаклли ҳарфларга ўхшаб қолиши, натижада, бошқа ҳарф сифатида ўқилишига олиб келди. Ёки традиция ҳолига келиб қолган қисқа унлиларнинг ёзувда ифодаланмаслиги, нуқталарни бошқа ҳарф усти ёки остида қўллаш ёки умуман қўлламаслик натижасида шаклан бир хил ёзилувчи бир нечта сўзларнинг вужудга келиши: бир, пир, бер каби.

Араб-форс тилидаги баъзи ҳарфларни жорий ёзувимизда ифодалаш бир қатор мураккабликларни юзага келтирди (ح س ص) (ث ض ت ز ظ). *Zod* ва *za* ҳарфлари учун битта “з” ҳарфи, *син*, *са*, *сод* ҳарфлари учун ягона “с” ҳарфи ишлатилиши ва ҳоказо.

Техник мутахассисларнинг етишмаслиги сабабли 60-йилларда араб-форс тилидаги баъзи ҳарфларни ифодалашда нуқсонлар пайдо бўлди.

Мақсад ва вазифа. Катта қийинчиликларга қарамадан, Ҳамид Сулаймон томонидан Навоий куллиёти илк тўлиқ нашрининг яратилиши ўз давридаёқ катта адабий ҳодиса сифатида баҳоланди. Жумладан, навоийшунос олимлар – Натан Маллаевнинг “Навоийшуносликнинг янги ва йирик маҳсулот” ҳамда А. Ҳайитметовнинг “Хазойину-л-маъоний” ва “Болаликнинг шеърий ихтиролари” номли катта ҳажмли илмий мақолалари ана шу улкан тадқиқот эътирофи ва ҳақиқий баҳоси бўлди.

Қолаверса, “Хазойину-л-маоний” нашрининг яратилишигача Ҳамид Сулаймон томонидан амалга оширилган тадқиқотлар ҳам илмий аспектда ўрганилди ва муҳокама қилинди.

Усуллар. Тадқиқотда, асосан, анализ ва синтез методи орқали илк тўлиқ нашрининг илмий тавсифи яратилди ва таҳлил қилинди. Тарихийлик, абстрактулаштириш ва конкретлаштириш методлари ёрдамида ушбу нашр яратилиш принциплари аниқланди ва муҳокама қилинди.

Натижа. Натан Маллаев ўзининг “Навоийшуносликнинг янги ва йирик маҳсу-

лоти” номли мақоласида олимнинг бир қатор ютуқларини эътироф этади. Жумладан:

– Ҳ. Сулаймон қиёсий ўрганиш методи асосида иш олиб борди ва 3132 шеърнинг қиёсий жадвалини тузди;

– Навоий девонларини редакцияларга ажратди ва 5 та гуруҳга тақсимлади;

– Султонали Машҳадий томонидан тузилган инв. № 564 қўлёзманинг “Илк Девон” экани аниқланди¹;

– Британия музейида сақланаётган 1482–1483 йилларда кўчирилган “Бадоеъу-л-бидоя” девонини топди ва унинг яна 2 нусхасини (Тошкент ва Боку) аниқлади;

– Ўзбекистон Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган инв. № 1995 қўлёзмаси “Наводиру-н-нихоя” экани исботланди;

– Профессор Ҳ. Сулаймон “Хазойину-л-маъоний” девони текстологик тадқиқотини олиб боришда 4-редакцияси – “Хазойину-л-маъоний” девони қўлёзмаларини асос қилиб олди. Натижада, 5-редакция терма девонларининг олимлар А. А. Семенов² ва Л. Волинлар фикрлари зидди ўлароқ, Навоий томонидан тузилмагани ойдинлашди. Улар турли жойда турлича тартибда адабиёт мухлислари томонидан тузилгани маълум бўлди;

– Девонлар ҳажми ва жанрлар миқдори аниқланди;

– “Хазойину-л-маъоний” илмий нашрининг илк девони “Ғаройибу-с-сиғар” нашри

¹ This manuscript was copied in 1465-66, and is being kept under No. 564 at the State Public Library named after Saltikov-Shchedrin.

² The Institute of Oriental Studies of the Institute of Oriental Studies, Institute of Manuscripts. № 790 and №3984 Navoi Devans Semenov A.A. "Garayibu-s-sigar" and "Chor Devon". See Fig: Sobraniye vostochnix rukopisey Akademii nauk Uzbekskoy SSR, tom II, opisaniye № 1264, №1281. S.L.Volin invented Leningrad. The manuscript No. 558 says Navoi's Terme Devonian is a national squadron, called Mahzanu-l-Maoni, and has been created by the poet himself. See Fig: S.L.Volin. Opisaniye rukopisey proizvedeniy Navoi v Leningrad skix sobraniyax. Sbornik, Alisher Navoi, M. – L., 1946 g., str. 221.



сўзбошиси сифатида берилган олимнинг “Хазойину-л-маъоний” матнларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари” номли мақоласида девон танқидий матнини яратишдаги принципларни келтириб ўтади;

– “Ғаройибу-с-сиғар” девонида танқидий матн тузишда фойдаланилган нодир кўлёмалар факсемиллари, “Ғаройибу-с-сиғар” шеърлари хронологияси, вазнлари ва байтлар сони кўрсаткичи, радифлар кўрсаткичи, тарихий, адабий ва мифологик шахслар номи кўрсаткичи, географик ва этник номлар кўрсаткичи илова қилинган ва луғатлар берилган.

Н. Маллаевнинг “Навоийшуносликнинг янги ва йирик маҳсулотини” мақоласида ҳам матншунос олимнинг “Хазойину-л-маъоний” куллиёти матншунослиги билан боғлиқ бир қатор ютуқларни эътироф этади:

– Қисқа вақт – 5 йил ичида “Хазойину-л-маъоний” девонини илмий-танқидий ўрганиб, нашр этди;

– 200 дан ортиқ кўлёмалар орасидан 20 та ишончлисини танлаб, қиёслаб ўрганди;

– Танқидий матн учун танланган кўлёмаларнинг фақат собиқ иттифоқ ҳудудидаги кутубхоналардагина эмас, балки аксарияти жаҳоннинг энг машҳур кутубхоналари фондида сақланиши;

– Таянч кўлёмаларнинг аксарияти Навоий даврида XV–XVI асрларда кўчирилган бўлиб, колофонида кўчирилган санаси мавжуд;

– Навоийнинг нодир девонларидан фотокопиялар олиб келинди;

– Куллиётни текстологик ўрганишда қиёсий методдан фойдаланилди;

– Навоий лирик асарларининг ёзилиш даври аниқланди.

Шу билан бирга, қуйидаги жузъий камчиликларни ҳам келтириб ўтади ва баъзи таклифлар киритади¹:

– “Хазойину-л-маъоний”даги шеърларнинг умумий миқдориди хилма-хилликка йўл қўйилган;

– “Хазойину-л-маъоний”даги нашрда муайян сабабларга кўра (цензура туфайли –

изоҳ муаллифи З.Н.) 1–2-девонларидан 4 ғазал, 3-девондан 6 ғазал, 4-девондан 3 ғазал – жами 13 ғазал атайин тушириб қолдирилган, “Бадоеъу-л-васат”да 509 ва “Фавойиду-л-кибар”даги 443-муламмаъ (ўзбекча-арабча) ғазаллар ўринсиз тушириб қолдирилган;

– Шеър хронологиясини кўрсатишда зидликлар мавжуд. Масалан, “Ғаройибу-с-сиғар”даги маснавий иловада қариллик даврида ёзилган деб кўрсатилган бўлса, III жадвалда йигитлик даври деб кўрсатилган. Олим А. Ҳайитметов эса, уни йигитлик даврида яратилган деган таклифни беради;

– Хронологияси (ёзилган вақти), байтлар сони ва вазни китоб сўнггида эмас, ғазал тепасида (1948 йилги нашрда шундай – муаллиф) берилса, янада аниқроқ ва қулайроқ бўлар эди, дейди олим²;

– Хронологик жадвал номларининг янада аниқроқ аталишини таклиф этади. Масалан, III жадвални “Навоий ўзбек тилида яратган шеърларнинг нисбий хронологик даврларга ажралиши”, IV жадвални эса “Хазойину-л-маъоний” девонининг нисбий хронологияси” каби.

– Ушбу нашр илмий-танқидий матн эмас, аммо илмий воситалар билан таъминланган илмий нашр эканлигини таъкидлайди³.

Дарҳақиқат, илк тўлиқ нашр бир нечта кўлёмаларнинг таққосланиши ва улардан мақбулини танлаш асосида тайёрланган. Бироқ танқидий матн асосида нашр этилмаганлиги сабабли юқоридаги каби камчиликлардан ҳоли бўлмаганлиги, А. Ҳайитметов таъкидлаганидек, илмий нашр эканлиги тўғривидир. Бироқ олим Ҳ. Сулаймонов илмий-танқидий матнни ҳам тайёрлаш ниятида бўлган ва “Ғаройибу-с-сиғар”нинг илмий-танқидий матнини тузишни бошлагани, бироқ олимнинг вафоти туфайли бу иш якунланмай қолганини ҳам эътироф этиш лозим.

Натан Маллаев илмий матндаги баъзи жузъий камчиликлар ва тузатишларга оид

¹ Hayitmetov A. Khazoyinul maoni. Oriental star. 1962. no 1. 135 p.

² that is the source, 136 p.

³ that is the source, 136 p.



бир қатор таклифлар киритади. Уларнинг асосийларини куйида келтириб ўтамыз.

1. “Бадоеъу-л-бидоя” девони Хусайн Бойқаро тахтга чиққандан кейин 1969 йилда тузилган бўлиб, олим уни негадир 1979 йил деб эълон қилган¹;

2. “И” ва “Э”, “Ў” ва “У”, “А” ва “О” ҳарфлари (турли ўринда қўлланган) бир сўзнинг ўзида турлича ёзилган: *дарвеш-дарвиш, асру-усру-ўсру; хуршед-хуриш* каби²;

3. Ал- артиклининг ёзилишидаги турфа хиллик: “*Хазойинулмаъоний*”, “*Хазойин ал маъоний*”, “*Хазойин-ул-маъоний*”, “*Хазойинулмаъоний*” каби. Н. Маллаев уларнинг Ҳ. Сулаймон тўғри деб ҳисоблаган битта вариантдан фойдаланишни таклиф этади. Бироқ бизнингча, “*Хазойинулмаъоний*” ёки “*Хазойину-л-маъоний*” шаклида қўллаш мақбул.

4. Девонда тиниш белгилари ўз ўрнида ишлатилмаган;

5. Дебочадаги арабча матнлар таржималари берилмаган.

Олим Н. Маллаев бундай нуқсонларни бартараф этишда Навоий тили фонетикаси устида матншуносларгина эмас, балки тилшунослар ҳам тадқиқот ишларини амалга оширишлари лозим эканини таъкидлаб ўтади. Бироқ, 50-йилларгача ҳам жаҳон тилшунослигида Навоий асарлари тили фонетикаси ва лексикаси устида тадқиқотлар қилинганлигини инобатга олганда, ушбу масалага ечим мавжуд эди, дейиш мумкин. Бизнингча, рус тилшунослигидаги ютуқларга мурожаат этиш кифоя эди.

Ушбу девонни тўла нашрга тайёрлаш асосий вазифа бўлганлиги ва дастлабки нашр эканлиги сабабли, кўплаб транслитерацион нуқсонларнинг учраши табиий, албатта. Баъзи байтлар мазмунини тўғри тушунишга ҳалал берувчи нуқсонли ўринларни А. Ҳайитметов № 677 инв. қўлёзма билан солиштириб,

тузатади. Масалан, “Наводиру-ш-шабоб”даги 548-ғазалдаги ушбу байт Ҳ. Сулаймон нашрида куйидагича келтирилган:

*Қушқа юнг маскан аро хушироқдурур озодлиг,
Бўлгонидин банд аро сайёди бебок дори била.*

Кўлёзмада эса:

*Қушқа юнг маскан аро хушироқдурур озодлиг,
Бўлгонидин банд аро сайёд ипак дори била.*

Мазмуни: *қуш учун овчининг ипак тузогига илиниб қолгандан кўра, чангалзорда озод юриб, макон тугиши яхшироқдир* (А. Ҳайитметов шарҳи).

Ёки шу девоннинг 11-ғазалидаги “софин” сўзи “сочин”, 39-ғазалдаги “фаҳр” сўзи “фарқ”, 111-ғазалдаги “жавоб” маъносидаги “посух” сўзи “носух”, 234-ғазалдаги “ўртар пари” сўзи “ўртар ёрин” деб бузиб ёзилганини таъкидлайди ва ўз фикрларини 50 дан ортиқ мисоллар билан далиллайди. Олим Ҳ. Сулаймон нашрни тайёрлашда А. Ҳайитметов тадқиқоти учун асос бўлган қўлёзмага кўп ҳам мурожаат этмайди. Париж, Туркия (Тўпқопи) ва Ленинградда сақланаётган куллиёт қўлёзмаларидан фойдаланади. Бироқ А. Ҳайитметов ўринли таъкидлаб ўтган тафовутлар мазмун ва шаклнинг мукаммалашувига хизмат қилганлиги нуқтаи назаридан айтиш мумкинки, XVI асрда кўчирилган мазкур қўлёзма ҳам охириги варағи йўқлигини ҳисобга олмаганда, яхши сақланган. Қолаверса, Ҳ. Сулаймон ҳам бу нусха билан таниш бўлган. Балки, кўчирувчи ходимларнинг кичик эътиборсизликлари эвазига юз бергандир³.

“Хазойину-л-маъоний”нинг илмий танқидий матнини тузиш иши юқорида таъкидлаганимиздек, Ҳ. Сулаймон томонидан бошланган бўлиб, “Ғаройибу-с-сиғар” девони матнигина тайёрланган. Бироқ бу иш ҳам мукаммал бўлмаган. Аниқроғи, танқидий матн даражасида бўлмаган. Биз Навоийнинг “Ғаройибу-с-сиғар” девонини матний ўрган-

¹ In our opinion, this should be a technical mistake.

² H. Sulayman describes this situation as being different in manuscript. See: Alisher Navoi. *Khazoyinul Maoni*. 4 volumes. Wonders of childhood. I Volume. Tashkent, publ. "Academy of Sciences of Uzbekistan", 1959. 27 p.

³ Note: The first two chapters of the first volume of the “*Khazaunin-l-Ma'ani*” textbook were translated into Dilbar Ruzieva's and Abduvohid Shokirov's dossier.



ганимизда, девоннинг Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёмалар фондида сақланаётган инв № 677 қўлёмаси, илмий-танқидий матнининг факсемил нашри¹ ҳамда мукамал нашри ҳисобланган “Тўла асарлар тўплами”² ўзаро жиддий фарқланиши кўзга ташланди. Биз уларнинг мазмунга жиддий таъсир этаётган баъзи тафовутларни таҳлилга тортдик.

Девондаги 4-ғазалнинг 7-байти танқидий матнда мактаъ бўлиб келган. Муаллиф номи келтирилган байт, яъни мактаъ эса юқорига чиқарилган. Бу гарчи қўлёмлада тўғри акс этган бўлишига қарамасдан, танқидий матнда хатоликка йўл қўйилган. Нашрда эса тўғрилланган. 67-ғазалнинг 3 ва 5-байтлари ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Мукамал композицияга эга ғазалларнинг бу тарзда бузилишини кўплаб учратиш мумкин.

Ёки танқидий матни кўздан кечирар эканмиз:

*Тутулмиш эрди газабдин улусни қилди асир,
Қуёш тутулса, бале, фитнадур анга таъсир.*

байти билан бошланувчи 7 байтли 145-ғазал танқидий матнда тўлиғича келтирилмаган. 144-ғазал эса такроран берилган. Қўлёмда ва нашрда эса мавжуд.

Гарчи баъзи ўринлар нашрда тўғрилланган бўлса-да, 11-ғазал 3-байт б мисрасининг тафовутланаётганини кўриш мумкин. Қўлёмда ҳамда танқидий матнда ўша байт қуйидагича келтирилган:

Жузв-жузвумни фиғонким мунфак этти тийги ҳажр,

Бир-биридин лек ўзидур жузви лоянфак манга.

Шу байт нашрда аслига мувофиқ берилмасдан, негадир ўзгартирилган:

Жузв-жузвумни фиғонким, мунфак этти тийги ҳажр,

Ҳар-биридин лек ўзидур жузви лоянфак манга.

¹ Alisher Navoiy. Wonders of childhood. Scientific and critical text. Tashkent, public. "Mumtoz word", 2012. 782 p.

² A.Navoi. Complete Collection of Works. Hassoon is universal. 10 volumes. Volume 1. Wonders of childhood. Tashkent, publ. Publisher-publishing house named after Gafur Gulyam. 2011. 804 p.

Мазмуни: *фиғон қилурманки, ҳажр (бизни) бўлақларга ажратди, мен учун улар бир-биридан ажралмайдиган қисмларнинг ўзидир.*

Ушбу ўринда шеърнинг поэтик хусусиятлари бузилган. 31-ғазал 1-байти қўлёмда ва нашрда қуйидагича келтирилган:

Ҳам рамад теккан кўзунга чашми бедорим фидо,

Ҳам учуқ чиққан лабинга жони афзорим фидо.

Ушбу байтдаги “теккан” сўзи танқидий матнда “тикан” шаклида ёзилган. Ташдид белгиси ҳам ишлатилмаган. Баъзи ўринларда эса ташдид қўлланади. Бунда муайян принцип йўқлиги бугунги китобхонни чалғитиши мумкин. Мисра мазмунига эътибор берайлик: “Кўз оғриғи теккан кўзинга бедор кўзларим фидо”. Энди тикан сўзини қўйсақ, “тикан кўз...” шаклида мантиқ бутунлай бузилган.

161-ғазалнинг 6-байт а мисрасида қўлёмда ва танқидий матнда қўлланган “боқий” сўзи нашрда (2011) “бақо” тарзида қўлланган. Бу ҳолда мазмун ўзгариши билан бирга, вазн талаби ҳам бузилган.

*Боқий топар улки бўлди фоний,
Раҳравга бақо фано бўлибдур.*

Байт тактеъси: “мафъувлу мафоилун фаувлун” (– – v v – v – v – –). Унинг вазни шаклланишида “мафойлун” аслининг бир йўла учта – ахраб (мафъувлу), макбуз (мафоилун) ва маҳзуф (фаувлун) фарълари иштирок этган. Шунга кўра, бу байтнинг вазни “ҳазажи мусаддаси ахраби макбузи маҳзуф” деб аталади. “Бақо”ни қўлласак, v – v v – v – v – – ҳосил бўлади. Бироқ бу афоилу тафоил ғазал вазнига мутлақо мос келмайди.

168-ғазалнинг 6 байти қўлёмда ва танқидий матнда қуйидагича келтирилган:

*Хуштурур жону жаҳон жонон била,
жонон агар,*

*Бўлмаса жон ўйлаким, ўлмак жаҳон
зиндон эрур.*

Нашрда эса:

*Хуштурур жону жаҳон жонон била,
жонон агар,*



*Бўлмаса жон ўйлаким, ўлмас жаҳон,
зиндон эрур.*

Фарқланаётган “ўлмак” ва “ўлмас” сўзлари бир қараганда кичик фарқдай туюлса-да, мазмуннинг жиддий ўзгаришга учраганини кўриш мумкин. Мазмуни: жон ҳам, жаҳон ҳам жонон билан хушдур, жонон йўқ бўлса, жон жаҳонда ўлган кабидир, жаҳон зиндон кабидир.

Агар “ўлмас” сўзини қўйсак, мантиқан номукамаллик юзага келади, яъни мазмун бузилади. Бундай ҳолатни 184-ғазалда ҳам кузатиш мумкин. Ғазалнинг 3-байт б мисрасидаги “харж” сўзи танқидий матнда “ҳаж” шаклида нотўғри ёзилган. Гарчи *хе* ва *жим* ҳарфлари ўзаро боғланмай ёзилган бўлса-да, *р* ҳарфи йўқ.

Ёки 193-ғазалнинг 2-байти қўлёзманинг танқидий матнида қуйидагича келган:

*Базм эмас бог ичра майсизким, хунарвар илгидин,
Бўлди рангин мум ҳар қолаб била
ҳайъатпазир.*

Шу байт нашрда:

*Шамъ эмас бог ичра майсизким,
хунарвар илгидин,
Бўлди рангин мум ҳар қолаб била
ҳайъатпазир.*

Шамъ ва базм сўзлари ёзилишда ҳеч қандай ўхшашликка эга эмас. Негадир бу сўз нашрда ўзгартирилган.

195-ғазал 5-байтда қўлланган “нукта” (нозик) сўзи қўлёзмада “нукта” (нуқат) шаклида қўлланади. Бизнингча, мазмунан нукта сўзи тўғри ишлатилган.

Баъзи ўринларда эса арабча, форсча бўлган ўзлашма сўзлар тарихийлик принципи асосида ёзилмаган. Масалан, 59-ғазал 7-байтида қўлланган “тоат” сўзи танқидий матнда ت (т) билан ёзилган. Қўлёзмада, ҳаттоки луғатларда ҳам ط (то) билан ёзилган.

Бундан ташқари, бир қатор фонетик хусусиятларнинг нашр этишда инobatга олинмагани, натижада, давр тили сақланмаган ўринларни ҳам кўплаб учратиш мумкин. Масалан, *т* билан тугаган сўзларга қўлёзма ва танқидий матнда *-тур*, нашрларда эса *-дур* шаклидаги қўшимча қўшилган: *Муҳаб-*

батдур (180-з. 5-байт). Бундай мисолларни юзлаб келтириш мумкин.

А. Ҳайитметов шу девондаги яна бир қатор тафовутли жумла ва байтларни келтирар экан, транслитерация жуда машаққатли ва кўп меҳнат, тажриба ва илм талаб этишини алоҳида таъкидлайди. Бошқа бир ўринда эса, А. Ҳайитметов олим Ҳ. Сулаймон томонидан ўрганилган “Илк Девон”даги шеърларнинг болалик даврида яратилганлиги ҳақидаги фикрига бироз қўшимча киритади, яъни “Илк Девон”нинг 1464–1465 йилларда кўчирилганига таяниб, бу пайтда Навоий 24–25 ёшда бўлганлиги, демак, бу девонда фақат болалик эмас, йигитлик даври (16 ёшдан кейин) шеърлари ҳам киритилганлигини эътироф этади¹.

Олим А. Ҳайитметов Навоий лирикасидаги даврий чегараларни аниқлаш катта масала эканини таъкидлаб, бунда уч хусусиятни ҳисобга олишни таклиф этади: 1. Девонларни қиёсий ўрганиш; 2. Тарихий маълумотларга таяниш; 3. Шеърларнинг мазмун моҳиятидан келиб чиқиш. Гарчи бу нисбий бўлишига қарамасдан, бир қатор лирик асарларининг даврий чегарасини аниқлашга ёрдам беради. Бироқ Ҳ. Сулаймон томонидан тайёрланган илк тўлик нашрнинг тайёрланиши учун 5 йил жуда қисқа фурсат эканлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Негаки, олимнинг асосий вақти Навоий девонлари қўлёзмаларини топиш ва тўплашга сарф бўлганини инobatга олганда, шоир лирикасини кенг планда ўрганиш учун олимнинг ҳар томонлама имконияти етарли даражада бўлмаган. Қолаверса, олим илк нашр танқидий матн вазифасини бажаришини назарда тутмаган.

А. Ҳайитметов, дастлаб, “Наводиру-ниҳоя”, кейин “Фавойиду-л-кибар” девонларига киритилган “*Қачон мактабда ул...*” деб бошланувчи ғазалнинг мазмунига кўра, болалик даврида яратилганлигини таъкидлайди. Ёки “Илк Девон”га киритилган “*Хаста кўнглум ўртанур...*”, “*Ул париваи*

¹ Hayitmetov A. Poetry inventions of childhood. Science and Marriage. 1991. No 2. 6 p.



хурнинг...” каби ғазалларни ҳам Навоийнинг болалик йилларида, яъни 14–15 ёшига қадар ёзилганини айтади. Ҳ. Сулаймоннинг ўз олдига қўйган асосий мақсади эса Навоий куллиёти структурасини тиклашдан иборат эканини унутмаслик лозим.

Қизиғи шундаки, “Хазойину-л-маъоний” девонларининг кейинги йилларда – мустақилликкача бўлган давр нашрлари, яъни кирилл ёзувида босмаҳонада чоп этирилган нашрларининг ҳам асосий қисми терма девон шаклидадир. Фақат 1959–1960 йиллардаги Ҳ. Сулаймон нашри (нисбатан тўлиқ) ва 20 жилдлик “Мукамал асарлар тўплами” бундан мустасно. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, шоир лирикаси нашр этилган давр ва ундаги мафкура, сиёсий қарашларни сингдирган ҳолда, таҳлил ва талқин қилинган. Бунинг исботи ўларок, девонлардаги ҳамд ва натъ шаклидаги ҳамда тасаввуфий ғоялар яққол кўзга ташланиб турган шеърлари нашрлардан тўлиқ олиб ташланган ёки байт ва мисралар ўзгаришларга учраган. Шоир асарларидаги тасаввуфий-фалсафий қарашларни мавжуд бўлган сиёсий мафкурага бўйсундирган ҳолда талқин этиш собиқ иттифоқ даврида кенг тус олди. Буни шоир лирик мероси нашрлари ва талқинларида кўриш мумкин.

Ҳамид Сулаймоннинг келтирган маълумотига кўра, шоирнинг йирик девони “Хазойину-л-маъоний” шу вақтларгача атиги икки маротабагина босмадан чиққан бўлса, унда ҳам девондаги шеърларнинг тўртдан бир қисмигина нашр этилган¹. Натижада, китобхонларга Навоий яратган ўзбек тилидаги 3132 шеърдан 736 тасигина маълум бўлиб қолган. 2396 таси эса ҳатто 60-йилларгача кўпчилик адабиётшуносларга ҳам маълум бўлмаган. Девон илк бор тўлиқ ҳолда, Порсо Шамсиев таҳрири остида (сўзбоши муаллифи Ҳамид Сулаймон) 1959–1960 йилларда нашр этилди ва девоннинг биринчи марта

илмий аппаратлар билан таъминланган нашри яратилди. Бу нашр Порсо Шамсиев таҳрири остида нашр қилинган. Сўзбоши муаллифи Ҳамид Сулаймон девоннинг биринчи қисмида, яъни “Ғаройибу-с-сиғар”да Навоий лирик асарларининг илмий-танқидий матни тузиш учун манба вазифасини ўтаган қўлэмаларнинг ҳам рўйхатини келтиради. Шу билан бирга, девондаги барча лирик асарларнинг вазни, автор редакциялари ҳақида ҳам қимматли маълумотларни келтириб ўтади. Шундай қилиб, “Хазойину-л-маъоний”нинг дастлабки икки девони 1959 йилда тўла ҳолда нашр этилди. Девоннинг учинчи ва тўртинчи қисмлари эса 1960 йилда нашр этилган.

Шоир девонидаги шеърларни текстологик жиҳатидан ўрганиш 1959–1960 йилларда Ҳамид Сулаймоннинг “Хазойину-л-маъоний”нинг илмий-танқидий матнини яратишга қаратилган тадқиқотлари билан боғлиқ.

Олим шоир қўлэмаларини ўрганиш натижасида, аввало, “Хазойину-л-маъоний” девонларининг структурасини аниқлади. Иккинчидан, девонлардаги жанрлар ҳажми ва жойлашиш ўрнининг автор редакциясидаги ҳолатини тиклади. Танқидий матн тузиш учун эса танланган 10 қўлэзма манба орасидан Ленинградда сақланаётган инв. № 55 куллиёт қўлэмасини таянч манба этиб белгилади ва қолган нусхаларга таянган ҳолда, танқидий матн тузишни мақсад этиб белгилади. Куллиётнинг дастлабки икки девонининг танқидий матнини тузиш бошлади. Бунда 4 та қўлэзма ўзаро қиёсланади. Бироқ олимнинг бошлаган бу тадқиқоти баъзи сабабларга кўра ўз якунини топмасдан қолган.

Шунга қарамасдан, олим Ҳ. Сулаймон “Хазойину-л-маъоний”ни таянч ва қўшимча қўлэмаларга таяниб, 2 марта нашр эттирди. Биринчи нашр 4 жилдда “Хазойину-л-маъоний” номи билан нашр этилган бўлса, иккинчиси 15 жилдлик Навоий “Асарлар”ининг 1, 2, 3, 4-жилдларига киритилди. Уларнинг биринчиси илмий нашр ҳисобланади. Унинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари бўлиб, қуйидагилар кўзга яққол ташланади:

Фонетик хусусиятлари:

¹ Alisher Navoi. Chor Devon (readers: Sobir Abdulla and Uygun). Tashkent, public. "Gostecizdat", 1939; Navoi. Devon (publishers: Sodiq Mirzaev and G.Karimov). Tashkent, public. "Public publishing house of Uzbekistan", 1948. 200 p.



– Тарихийлик принципнинг сақланганлиги: қаро (бошқа нашрларда қора), они (бошқа нашрларда ани);

– “О” лашиш: сори (бошқа нашрларда сари);

– “Э” лашиш: кеби (кейинги нашрларда киби);

– Жарангсизлашув: -қ форманинг кенг ишлатилиши (бошқа нашрларда г ва ғ шакл кўп қўлланади);

– Вазн талаби билан ундош ҳарфнинг ҳижога айланиши лозим ўринларда қисқа унли ёки чўзиқлик мақсадида -й орттирилиши (арабча-форсча сўзларда кузатилади): ифлосидин (ифлосдин), тийғ (тиғ);

Ҳ. Сулаймон Навоийнинг буюк ва бой лирик меросига бўлган ўзбеклар орасидаги оммавий қизиқишни бошлаб берган бўлсада, девон илк маротаба тўлиқ нашр этилиши сабабли араб имлосидаги чалкашликлар, ҳаттотлар йўл қўйган хатоликлар, шунингдек, нашрда йўл қўйилган камчиликлар ва бошқа бир қатор сабабларга кўра, Ҳ. Сулаймон нашр эттирган танқидий матн академик нашр эмас эди. Хусусан:

– Эски ёзувда танқидий матн яратилмади. Кейинчалик, 2011 йилда фақат “Ғаройибу-ссигар”нинг жиддий нуқсонлардан ҳоли бўлмаган танқидий матни нашрдан чиқди¹;

– Давр нуқтаи назаридан нотўғри талқин қилинган баъзи шеърлар (ғазаллар) тўлиғича киритилмаган. Кейинги нашри эса қисқартирилган нашр бўлиб, дастлабки нашрдан туширилган шеърлар бу нашрга ҳам киритилмаган;

– Байтлар, мисралар, сўзларнинг тушиб қолиши ва сўз қўллаш билан боғлиқ хатоликларга йўл қўйилган. Аксарият нашрий нуқсонлар иккинчи нашрида тузатилган. Бироқ бу нашр тўлиқ ҳажми қамраб олмайди;

– Транслитерацион, орфографик ва пунктуацион хатоликларга йўл қўйилган ва ҳоказо.

Ҳамид Сулаймон Навоий девонларининг 27 та қўлёзма манбаси маълумлиги ҳамда уларнинг баъзилари бугунгача тўлиқ сақланмаганини таъкидлаб ўтади. Ҳамид Сулаймон Алишер Навоийнинг ўзбек тилидаги девонлари редакцияси классификацияси, илмий-

танқидий матни ва транслитерацияси учун фойдаланилган қўлёзмалар ва уларнинг қиёсий жадвалидаги хронологик тартибини келтириб ўтар экан, Илк девон, “Бадоеъу-л-бидоя”, “Наводиру-н-нихоя”, “Ҳазойину-лмаъоний” ҳамда терма девонларнинг қўлёзма нусхалари ҳақида аниқ маълумот келтиради (шулардан 11 таси “Ҳазойину-л-маъоний” қўлёзма нусхаларидир)².

Хулоса. Умуман олганда, Ҳ. Сулаймон адабиётшунослигимизда, хусусан, ўзбек манбашунослиги ва матншунослигида Навоийнинг катта ҳажмли “Ҳазойину-л-маъоний” девонини илмий ўрганиб, шоир лирик меросининг умумий ҳажми, фойдаланган жанрлари, вазнлари³, хронологияси ва бошқа муҳим масалаларнинг ечимини топди ва Навоий девонлари қўлёзма манбаларини назарий аспектда тадқиқ этди.

Мухтасар айтганда, Навоий лирикаси матнлари ва манбаларини текстологик ўрганиб, куллийет манбашунослиги ва матншунослигида улкан ютуқларга эришилди. Навоий лирик меросининг XV–XIX асрдаги қўлёзмалари текширилди ва куллийетнинг автор редакцияси аниқланди. Қўлёзмаларни солиштириш жараёнида шоирнинг илк девони, “Бадоеъу-л-бидоя” ва “Наводиру-н-нихоя” девонлари аниқланди, ёшлик лирикасининг куллийет таркибидаги тақсимооти аниқланди. Шу билан бирга, “Ҳазойину-лмаъоний” девонлари илмий-танқидий матни учун асос бўлувчи қўлёзмалар ажратилди ва ушбу қўлёзмалар асосида илк тўлиқ нашр яратилди ҳамда жаҳоннинг бир қатор тилларида таржима асосида нашр этирилди. Юқорида саналган куллийет нашрини мукамаллаштириш билан боғлиқ камчиликлар эса танқидий матн тузиш принципларини ишлаб чиқиш ва уни жорий ёзувга мослаштириш билан боғлиқ бўлиб, бугунги кун ўзбек матншунослиги олдидаги ўз ечимини кутаётган муҳим масалалардан биридир.

¹ Alisher Navoiy. Wonders of childhood. Scientific and critical text. Tashkent, public. "Mumtoz word", 2012. 782 p.

² Note. Alisher Navoi. Khazoyinul Maoni. 4 volumes. Wonders of childhood. I Volume. Tashkent, publ. "Academy of Sciences of Uzbekistan", 1959. 15-19 p.

³ Note: Weak medals of Navoi lyric heritage Mirzayev said.